O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 25 июнь, № 124 (4534) Чоршанба

ДЕҲҚОН МЕҲНАТИГА ЮКСАК БАҲО

Етмиш ёшни қаршилаган Парда аканинг кўнгли бу воқеадан жуда-жуда тўлқинланиб кетди.

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки Парда ака Президент билан шу далада иккинчи марта учрашди. Бундан уч йил олдин ҳам Юртбошимиз билан мулоқотда бўлганди. Ўшанда ширкат хўжалигида пудратчи эди. Давлатимиз раҳбари хайрлашув олдидан унинг келгуси режалари, орзу-ниятлари ҳақида сўради. Парда ака мақсадини айтди: «Фермер бўлсам, ўзимнинг ерим бўлса, дейман...»

Мана, орадан уч йил ўтди. Шу қисқа вақт ичида катта ўзгаришлар бўлди. Ширкат хўжалиги тугатилиб, ер фермерларга бўлиб берилди. Парда ака ҳам 30 гектар ер олиб, «Ҳасанов Парда» фермер хўжалигини тузди. Ҳар йили пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириб, дурустгина даромад олаяпти. Шу туфайли рўзғори бут, кўнгли хотиржам. Бу йил эса 15 гектар ерга буғдойнинг «Чиллаки» навини эккан эди. Гектар ҳисобига 55 центнердан ҳосил йиғиштириб олди. Шартнома бўйича давлатга 82 тонна уруғлик дон топширилди. Пировардида фермер хўжалигининг банкдаги ҳисоб рақамига 20 миллион сўм пул тушди.

15 гектар ерда ўстирилаётган «Бухоро-102» навли ғўзанинг ривожи ҳам яхши. Ҳар тупда 10-12 тадан ҳосил шохи ва 5-6 тадан кўсак бор.

— Ўтган йили шу навни экиб кам бўлмадик, ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта ҳосили олдик, — дейди фермер ғурур билан. — Бу йилгисиям чакки бўлмайди. Шунинг учун лизингга чопиқ трактори олиш учун шартнома туздик. Бир-икки йилда тўлаб берамиз, трактор фойдага қолади.

Учрашув чоғида Юртбошимиз мендан қандай муаммолар борлигини сўрадилар. Ҳеч қандай муаммо йўқ, юртимиз тинч, Юртбошимиз омон, халқимиз фаровон бўлса бўлди, дедим. Ҳақиқатан ҳам, инсон учун бундан бошқа нима керак? Энг муҳими, кўнглимиз хотиржам, эртанги кунимиздан хавотиримиз йўқ, аксинча, ишончимиз кучли, ниятимиз катта. Ҳовли-жойим, машинам бор. Болаларимнинг ҳаммаси олий маълумотли, ишли, рўзғори тўкин. Биламизки, даромад манбаи — еримиз бор. Меҳнат қилсак, роҳатини кўраверамиз. Шундай бўлса-да, Юртбошимиз менга «Дамас» машинасини совға қилдилар. Бу — деҳқон меҳнатига берилган юксак мукофот. Энди у Фермер хўжалиги ва Потрон қишлоғи аҳли хизматида бўлади.

Ҳа, олд қисмига «Президент совғаси» деган сўзлар ёзилган «Дамас» машинаси бугунги кунда нафақат Қарши туманидаги тажрибали деҳқон, тадбиркор фермер Парда Ҳасановнинг мулки, балки давлатимизнинг, Юртбошимизнинг қишлоқда туб ўзгаришлар қилиш, фермерликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрлигининг рамзий ифодаси бўлиб қолди.

Дарвоқе, биз фермерни 70 ёшга яқинлашди дедик. Унинг юриш-туриши, ҳаракатини кўриб, сира «бобо» дегингиз келмайди. Йигитлардек чаққон. Айниқса, табаррук «Дамас»ни бошқараётганда кўзларидан ўт чақнаб кетди. «Бу замон — бизнинг замон, қариликка тан беришга ҳаққимиз йўқ», — деди у ишонч билан.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси олдидан

ОШКОРА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилади

Айни пайтда парламентимиз юқори палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзолари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳар томонлама муҳокама қилиб, навбатдаги ялпи мажлисга тақдим этишга ҳозирлик кўрмоқда.

Мазкур қўмита аъзоси Абдурашид АЛТИЕВдан ушбу Қонуннинг ўзгартирилишига нималар сабаб бўлгани, унинг миллий иқтисодиётимиздаги аҳамияти, уни ишлаб чиқишга қандай зарурият туғилгани хусусида сўзлаб беришини сўрадик.

— Президентимиз 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида акциядорлаштириш амалий самара бермаган корхона ва объектларни хусусий мулкдорларга сотиш ҳисобидан иқтисодиётда давлат иштирокини янада камайтириш борасидаги ишларни давом эттириш лозимлиги хусусида алоҳида тўхталгандилар, — деди у. — Шунингдек, давлатимиз раҳбари амалдаги қонунчиликнинг меъёрий қоидаларини қайта кўриб чиқиш, корхоналарнинг самарали фаолият юритиши учун янги мулкдорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий жавобгарлигини назарда тутадиган ҳуқуқий меъёрларни кучайтириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Юртбошимизнинг 2006 йил 27 сентябрдаги "Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг 6-бандини, шунингдек, мазкур Қарор билан тасдиқланган "2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш Дастури"нинг 3.1 бандида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида мазкур "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан

Пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Бугун бош кентимизнинг тароватли, муҳташам иншоотлари, гўзал табиати ва сўлим боғлари ҳар қандай кишини мафтун қилмоқда. Унинг кўчаларида кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. ЎзА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

«ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИНЧ ВА ФАРОВОН ҲАЁТГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ»

Ванг ТИЕДЗЮН (Хитой):

— Мамлакатингизга ҳар сафар келганимда кўплаб ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Юртингиз тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлигига ҳавас қилса арзийди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбари томонидан халқ фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самараларидан, деб биламан.

Келгуси йили Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи нишонланишини эшитдим. Ушбу шаҳар неча асрлардан буён ўз меъморий обидалари, алломалари, хушмуомала ва меҳмондўст халқи билан барчани ҳайратга солиб келмоқда. Қадимда барча карвонлар Шарқ ва Ғарб ўртасидаги робита, Буюк Ипак йўлининг марказий шаҳарларидан бўлган Шош орқали ўтишни афзал билган. Табиати гўзал юртнинг фуқаролари ҳам гўзал ва танти бўлади. Ўзбек халқининг ана шундай инсоний фазилатларидан, юксак маданиятидан ўрнак олса арзийди. Улкан интеллектуал салоҳиятга эга Ўзбекистон

(Давоми 2-бетда).

ТОКИОДА ОРОЛ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ

Токионинг «JICA Global Plaza-Hiroo» халқаро мажмуасида «Орол муаммолари, унинг аҳоли генофонди, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига таъсири ҳамда уларнинг оқибатларини енгиллаштириш чора-тадбирлари» мавзуидаги конференция бўлиб ўтди.

Япония Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқаро ҳамкорлик агентлиги, Сув форуми, Глобал инфратузилма институтининг тадқиқот жамғармаси ҳамда мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонаси томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда Японияннинг турли вазирлик ва идоралари, ижтимоий-сиёсий, академик ва эксперт доиралари вакиллари иштирок этди.

Конференцияда таъкидланганидек, Орол денгизининг қуриши глобал аҳамиятга эга бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар тизимини келтириб чиқарди.

Учрашувда Ўзбекистон ҳукумати томонидан минтақадаги экологик вазиятни ўнглаш, кичик сув ҳавзалари ва сув таъминоти тизимларини бунёд этиш, Оролбўйи минтақаси аҳолисининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва ижтимоий фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар, шунингдек, жорий йилнинг март ойида Тошкентда Орол муаммоларига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция якунлари билан танишди.

▼ Дунё нигоҳи

Анжуман чоғида Оролни сақлаб қолиш ва қайта тиклаш борасидаги зарур чора-тадбирларни қабул қилиш юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Конференцияда сўзга чиққан **Токио университети профессори Микиясу Накаяма**нинг таъкидлашича, Марказий Осиёдаги сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда трансчегаравий дарёлар оқимларини тартибга солиш масалаларида ўзаро келишилган сиёсатни амалга ошириш Орол инқирозини ҳал қилишнинг амалий механизмларидан бири бўлиши мумкин.

«Минтақа давлатлари сув-энергетика ресурсларидан фойдаланишнинг асосий тамойиллари борасида келишиб олиши зарур. Алоҳида давлатларнинг бир томонлама ҳаракати қўшни мамлакатларда истиқомат қилувчи миллионлаб одамларнинг турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бир шароитда сувдан фойдаланишнинг ўзаро келишилган тамойиллари ўзаро тушуниш ва ҳурматнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилади», — дейди японияликлар олим.

М. Накаяманинг сўзларига кўра, БМТнинг тегишли конвенциялари ўзаро манфаатли келишувларга эришиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Марказий Осиёдаги тинчлик, барқарорлик ва фаровонликдан манфаатдор бўлган жаҳоннинг қатор етакчи давлатлари минтақа мамлакатлари ўртасидаги фаол мулоқот жараёнида воситачи сифатида иштирок этишга тайёр.

Шу ўринда М. Накаяма Японияннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган кўп томонлама шартномаларни тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ қилиш борасидаги тажрибасига эътибор қаратди. «Бунга атмосферага зарарли газларни чиқаришни камайтиришни кўзда тутувчи Киото протоколи яққол мисол бўла олади», — деди олим.

(Давоми 2-бетда).

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Гулистон давлат университетида "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Миллий ғоя ва маф-кура илмий-амалий маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этган мазкур анжуманда сўзга чиққан Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М. Қуронов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Х. Ҳайдаров, Маънавият тарғибот маркази раиси ўринбосари С. Олимов ва бошқалар ёшларга халқаро стандартлар асосида таълим бериш, навқирон авлоднинг жамият ҳаётида фаоллигини ошириш борасидаги ишлар бугунги кунда ўз самарасини бераётганини таъкидладилар. Ёшлар йилида

▼ Анжуман

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



Бу йил Боёвут туманида яхши ният билан 10-15 гектар ерга уруғ сочиб, ҳосилдорликни гектар ҳисобига 70-80 центнерга етказган фермерлар сони 148 тадан ошиб кетди. Улар сафида ҳар гектар майдондан ўртача 90-100 центнердан хирмон кўтарганлар ҳам талайгина.

Миллионер фермерлар

— 15 гектар ерда ғалла парваришлаб, кечагина давлатга дон сотиш шартнома режасини ошириб бажардик, — дейди «Ғаллакор» фермерлар уюшмасидаги «Ҳайиткул бобо» фермер хўжалиги раиси Райимқул Ҳайиткулов. — Режадан ошиқча буғдойни эса жамоадагилар билан баҳам кўрдик. «Замин» навли буғдой Мирзачўл шароитида ўзини бутунлай оқлади. Назаримда, бу навни каттароқ майдонларга экишнинг вақти етиб келди.

Фақатгина ғаллачиликдан 50-60 миллион сўм атрофида соф фойда кўраётган бундай деҳқонлар Сирдарёда кўп. Сувни тежаб-тергаб ишлатган, ҳар ҳовуч ўғитдан омилкорлик билан фойдаланган деҳқоннинг куни туғди. Фидойи фермерлар ўз меҳнатларининг ҳузурини кўришмоқда.

Алимқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кичик бизнеснинг катта улуши

Андижон туманида кейинги икки йилнинг ўзида 430 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти иш бошлади. Натижада юзлаб янги иш ўринлари вужудга келди. Қишлоқ саноатчилари ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми эса 20 миллиард 742 миллион сўмликдан ортди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Турон-Ҳўжайли» ҳиссадорлик жамиятида корхонани модернизациялаш, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хориж технологияси асосида

Яқинда бу ерда янги цех ишга туширилди. Бир кеча-кундузда 100 тонна кунжарани қайта ишловчи мазкур экстракция цехи ускуналари Хитой Халқ Республикасининг «Хунань-Чжунхон» компаниясидан келтирилиб ўрнатилди. Айни пайтда корхонада 1 литрлик полиэтилен идишларга ўсимлик мойини қадоқлаш линияси ҳам қурилиб, ишга туширилди.

— Натижада кунжарадан қўшимча 2 фоиз мой олиш имкони вужудга келди, — дейди корхона раҳбари Кенгесбой Утениязов. — Шу йўл билан қисқа вақт ичида 178,6 тонна қўшимча ёғ ишлаб чиқаришга эришдик.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Қадимий Хоразм маданияти»

Хива шаҳрида ўтказилган фестиваль шундай номланди.

Тадбир иштирокчилари уч кун мобайнида шаҳарнинг «Ичонқалъа» музей қўриқхонасида ташкил этилган ҳунармандлар, чеварлар, рассомлар кўргазмалари ва экосайёҳлик бурчагини ҳам томоша қилдилар.

Очиқ осмон остидаги музей-қўриқхонанинг барча мадраса ва музейларида намойиш этилган ва халқимизнинг қадимий урф-одатлари акс этган «Лачак тўйи», «Бешик тўйи», «Келин салом» ва ҳунармандчиликнинг нодир намуналари, миллий кийимлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Наманган давлат санъат коллежида «Ёшлар — таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз» деб номланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Эътироф — илҳомга қувват

«Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши томонидан уюштирилган мазкур кўргазмада Наманган давлат университети, санъат ҳамда маданият коллежларининг элликка яқин талабалари ижод намуналарини мухлислар ҳукмига ҳавола этдилар. Ёшлар ҳаёти, орзу ва интилишлари, илм-фан, спортда эришаётган ютуқлари уларнинг асарларида ўз аксини топган.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«КИМОШДИ» САВДОСИ МАЪМУРЧИЛИК ЙЎЛИДА

Бир рақам шарҳи

2008 йилнинг биринчи чораги мобайнида республикамиз бўйича ташкил этилган «Кимошди» савдоларида аҳоли ва фермерларга **5413** бош зотдор қорамол сотилди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш дастури доирасида жойларда амалга оширилган ана шу тадбир натижасида бу борадаги топшириқ зиёди билан бажарилди.

ОШКОРА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Бугунги кунда мамлакатимизда нечта акциядорлик жамияти мавжуд, айни пайт уларнинг иқтисодий аҳволи қандай?

— Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган аксарият йирик корхоналар акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилган бўлиб, 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, уларнинг умумий сони 1910 тага етди. Акциядорлик жамиятларининг жами устав фонди 4,2 трлн. сўмни ташкил қилиб, аввалги йилдагига нисбатан 107,7 фоизга ўсган. Мамлакатимиздаги акциядорларнинг сони эса 1,2 млн. нафарга етди, яъни ўтган йилдагига, нисбатан 83 минг нафарга кўпайди. Акциядорлик жамиятлари иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, юртимиздаги барча акциядорлик жамиятларининг 10,6 фоизи енгил саноат ва пахтани қайта ишлаш, 10,4 фоизи — агромашсервис корхоналари, 8,1 фоизи — озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 8,8 фоизи — аҳолига турли хизматлар кўрсатиш ҳамда 6,2 фоизи — ёқилғи-энергетика соҳаси ва қолган қисми иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ҳиссасига тўғри келмоқда.

— Амалдаги Қонунга қандай ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда?

— Акциядорлик жамиятларида Кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган ва унга ҳисобдор бўлган корпоратив маслаҳатчи лавозимининг жорий этилиши ушбу Қонунга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришларнинг асосийларидан биридир. Бундан ташқари, акциядорлик жамиятининг келгуси йил учун бизнес-режасини якунланаётган молиявий йилнинг 1 декабрига қадар Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш ҳам мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ўз аксини топмоқда.

Шунингдек, миноритар, яъни кам овозга эга бўлган акциядорларнинг ҳуқуқий ҳимояланишини янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий манфаатларини тўлиқ таъминлаш ҳам Қонунда назарда тутилаяпти.

Шу билан бирга, ёпиқ акциядорлик жамиятларининг низом жамғармаси минимал миқдорини очиқ акциядорлик жамиятлари низом жамғармаси минимал миқдорига тенглаштиришга доир янги талаблар жорий қилинмоқда.

— Соҳадаги бундай ўзгаришлар акциядорлик жамиятлари фаолиятига қандай ўзгаришлар олиб кириши кутиляпти?

— Юқорида келтирилган ўзгартиш ва қўшимчалар акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва унда акциядорларнинг иштирокини янада кенгайтириш, қонуний ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари кафолатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида қимматли қоғозлар ва корпоратив бошқарувга оид қонунчилик талаблари ижросини таъминлашни янада яхшилаш ва самарасини оширишга қаратилгандир. Мутахассисларнинг фикрича, корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш натижасида акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини фаоллаштириш ва рағбатлантириш, хўжалик субъектлари томонидан фонд бозори механизмлари воситасида қўшимча маблағларни жалб қилиш ва инвестицияларни молиялаштириш манбаларини янада кенгайтиришга имконият яратилади.

— Мазкур Қонунни ишлаб чиқишда хориж тажрибаси ва амалиёти қанчалик ҳисобга олинди?

— Акциядорлик жамиятларида корпоратив маслаҳатчилар институтининг жорий этилиши жаҳон амалиётидаги ижобий тажрибага асослангандир. Бир қатор хорижий мамлакатларнинг акциядорлик жамиятларида шундай лавозим жорий этилган бўлиб, унинг ваколати тегишли қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган. Россия Федерациясида — корпоратив муомала кодекси, Буюк Британияда — компаниялар тўғрисидаги қонун, Филиппин Республикасида – қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш кодекси, Австралияда эса корпорациялар тўғрисидаги қонун меъёрлари билан белгиланган қоидаларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Акциядорлик жамиятининг келгуси йил учун бизнес-режасини тугаётган молия йилининг 1 декабрига қадар Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш ҳақидаги норма амалдаги қонунчиликдаги камчиликни бартараф этиш мақсадида киритилмоқда. Мавжуд талабларга кўра, акциядорлик жамиятининг жорий йил учун ишлаб чиқилган йиллик бизнес-режаси акциядорларнинг йил якунларига бағишланган умумий йиғилишида, яъни молия йили тугаганидан кейин 6 ой мобайнида тасдиқланиши белгиланган. Амалиёт тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши аксарият ҳолларда май-июнь ойларида ўтказилмоқда. Натижада акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари йилнинг биринчи олти ойи давомида жуда муҳим ҳужжат ҳисобланадиган бизнес-режасиз фаолият юритишига тўғри келмоқда. Экспертларнинг фикрига кўра, бундай янги қоиданинг жорий этилиши, яъни жамиятнинг кейинги йилга оид бизнес-режасини тугаётган йилнинг 1 декабрига қадар Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари фаолиятига аниқлик киритишга кўмаклашади.

— Қонунда соҳага тааллуқли яна қандай янгиликлар ўз аксини топмоқда?

— Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ёпиқ акциядорлик жамиятлари низом жамғармасининг минимал миқдорини белгилаш, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, очиқ акциядорлик жамиятлари низом жамғармасининг минимал миқдори билан бир хил даражада, яъни 50 минг АҚШ долларининг миллий валютадаги эквиваленти миқдорида белгиланиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига «бошқа масалалар» деган ибора билан аниқ бўлмаган, акциядорлар эътиборига олдиндан етказилмаган масалаларнинг киритилиши истисно этилмоқда. Бундай ўзгартишнинг жорий этилиши умумий йиғилиш материаллари билан аввалдан танишиб чиқмаган акциядорлар ёки айрим сабабларга кўра, умумий йиғилишда иштирок эта олмайдиган акциядорларни ушбу масалаларга нисбатан ўз муносабатларини билдириш ва ўз овозлари билан жамият фаолиятини бошқарищдаги ҳуқуқини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ю. БЎРОНОВ суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

бажарилиши лозим бўлган мазкур йўналишдаги вазифалар хусусида тўхталиб ўтдилар.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди Гулистон давлат университети ректори У. Тошкенбоев. — Анжуманнинг бизнинг университетимизда ўтказилиши бежиз эмас. Чунки ушбу билим даргоҳида ёш иқти-

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

дорлар билан ишлаш соҳасида муайян тажриба тўпланган. Бугунги кунда университет қошидаги ўнлаб марказлар, клубларни бевосита талабаларнинг ўзи бошқармоқда, улар фан ва спорт тўгаракларида машғулотларни олиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ёшларда меҳнат кўникмалари, етакчилик хусусиятлари шаклланишига кўмаклашмоқда.

Анжуманда ёшлар салоҳиятини мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги олижаноб ишларга сафарбар этиш, таълим муассасаларида ёшлар фаоллигини янада ошириш бўйича амалий таклифлар билдирилди.

Анжуман доирасида университет олимларининг ёшлар фаолиятини такомиллаштириш ва олий ўқув юртларида талабаларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини йўлга қўйиш масалаларига бағишланган қўлланма ва китоблари тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими А. Жалолов иштирок этди.

Д. ЭСОНОВА, ЎзА мухбири.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ

ҳар кимдан ҳушёрлик, ақл-заковат ва теран тафаккурни талаб этмоқда

Қишлоққа қўнғироқ

Нима бўлди-ю, яқинда ҳали талаба эканлигимизда Тошкентдан уйга қўнғироқ қилган дамларим эсимга тушди. Айтайлик, муҳим хабарни етказиш учун марказий телеграфга ёки бирор алоқа боғланмасига борар, узундан-узоқ навбатда туриб, қишлоқдаги телефон рақамини ёзиб буюртма берардик. У ёқдаги телефон ҳам уйда эмас, балки колхоз ёки қишлоқ кенгаши идорасида бўлиб, унга қўнғироқ қилишга ҳамма ҳам жазм этолмасди. Бир маҳал алоқа ходимаси микрофон орқали қайси кабинага кириб гаплашишингиз мумкинлигини айтарди. Бир сафар бошқа бир буюртмачига «Телефон жавоб бермаяпти» деб эълон қилишганида, у беихтиёр «Нега жавоб бермайди, бўлиши мумкин эмас» деб юборганида кутиб турганлар қаҳ-қаҳ отиб кулишгани эсимда. Баъзан кутиб-кутиб, охирида «Линия узилган» деган жавобдан ҳафсаламиз пир бўлган пайтлар ҳам рўй берарди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига

Хўш, энди-чи? Ер юзининг қайси бурчаги билан боғланмоқчисиз? Фақат тўлефонлашасизми ёки тасвир орқали дийдорлашасизми? Бунинг учун саноқли сониялар кифоя. Уйингиздан, ҳовлидан, бекатдан — истаган жойингиздан гаплашишингиз мумкин. Албатта, бундай имконият фан-техника тараққиёти туфайли эришдик. Янаям кенгроқ назар ташлайдиган бўлсак, илм-фан ютуқлари дунё миқёсида глобаллашув шарофати туфайли инсониятга хизмат қилмоқда.

Глобаллашув — кишилик жамиятидаги маҳаллий аҳамиятга молик маданий, ахборот, иқтисодий, геосиёсий маконларнинг бир тизимга бирлашуви жараёнидир. Ер қуррасинигу турғун транспорт маршрутлари билан бирлаштирилиши, миграция оқимларининг кучайиши, ахборот технологияларининг тараққий этиши ва ҳоказолар шаклланаётган глобаллашувнинг босқичларидир.

Тарафдор ва қаршилар

Сиёсатшуносларимизнинг бу ҳодиса ҳақидаги қарашлари шундай: глобаллашув — объектив воқелик, табиий тарихий жараён. Уни на инкор қилиш, на тўхтатиш ва на кечиктириш мумкин эмас. Демак, унинг қонуниятларини билиб олишимиз, юртимиз манфаатлари йўлида фойдаланишимиз керак.

Аввало, глобаллашув тарафдорларининг қарашлари хусусида. Уларнинг фикрича, мазкур жараён кишилик жамияти ҳаётининг барча томонларини қамраб олувчи кенг, серқирра воқеликдир. Товарлар, капиталлар ва ахборот оқимининг бемалол ҳаракати туфайли глобаллашув турмуш фаровонлигини яхшилаш учун қулай шарт-шароит туғдиради. Глобаллашув башарият яшаётган Ер сайёрасига дахлдор. Бу жараёнга қўшилган барча мамлакатлар имкониятлардан баҳраманд бўлишади, ишлаб чиқариш миқёслари кенгаяди, товарлар сифати ошади, танлаш тамойили ишга тушади. Доно халқимиз қандай ҳаракат қилиш кераклигини лўнда нақлда ифода этган: «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ».

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: нега, онда-сонда бўлса-да, «Антиглобалчилар ҳаракати» бош кўтариб турибди? Бу ҳаракат ўтган асрнинг 90-йиллари охирларида бир қанча ривожланаётган мамлакатлар ҳолатига глобаллашув салбий таъсир кўрсатгани оқибатида вужудга келди. Кейинчалик улар сафига ривожланган мамлакатлар фуқаролари ҳам қўшилишди. Антиглобалчиларга турли тоифа кучлари — ички бозор билан боғлиқ тадбиркорлар, касаба уюшмалари, социалистлар, анархистлар, яшиллар, сўл социал-демократлар ва бошқалар ҳамфикр бўлишди.

Тўғри, улар глобаллашув жараёнини тўхтатишга қодир эмас. Мақсадлари шакл ва усулларни ўзгартириш — ички бозорни таъминловчи қатлам манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ёт таъсирдан асрасин

Дунё миқёсида алоқаларнинг кучайишида Интернетнинг ўрни беқиёсдир. Одам боласи табиатан янгиликка, ахборотга ташна экан, ўз эҳтиёжларини қондиришда бутун дунё хабарномаси кейинги йилларда кўп маъқул ва номаъқул оқибатларга олиб келмоқда. Интернет бирор-бир давлат қонунларига бўйсунмайди ва ҳеч кимга ўз фаолияти учун ҳисоб бермайди. Янги ахборот маконида маълумотлар жуда катта ҳажмда жойлаштирилади ва яшин тезлигида тарқалади.

Интернет шароитида давлат чегаралари кучи пасаяди. Албатта, ҳар бир мамлакат ўз чегараларини имкони борича ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Масалан, Хитой ва Индонезия биринчилар қаторида Интернет хабарларни учун турли фильтрларни ўрнатдилар. Лекин бу борада энг ишончли йўл — кенг аҳоли қатламида Ўзбекистон манфаатларига зид ахборотга нисбатан иммунитет ҳосил қилишдир. Агар Интернет тармоғидаги сайтларни варақлаган фуқарода Ватан туйғуси, ўз халқига нисбатан эътиқоди мустаҳкам бўлса, ҳар қандай бўҳтон ва тўқималарга ишонмайди. Ёт ғояларга нисбатан иммунитет иймони бақувват, ғурури баланд инсонларга таъсир ўтказолмайди.

Шуни дилдан англаб олишимиз керакки, Ўзбекистон мустақилликнинг 17 йили мобайнида ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан ишонч билан бормоқда. Энг оғир қийинчиликлар ортда қолди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларининг бошлари — айнан глобализмнинг шиддатли суръат олиш даврида ноқулай иқтисодий шароитнинг тўғри келиши, беадад шукурки, ўтмишга айланиб бўлди. Энди ҳеч ким бизнинг ички ишларимизга ноқонуний аралашишга ҳақи йўқ ва бунга йўл қўймаймиз.

Глобаллашув шароитида инсоний қадриятлар мезони қандайдир ўзгаргандай, одамларни унча-мунча янгилик билан қойил қолдириш қийин. Ўтган аср бошида оддий радионинг овозига ҳайрат билан қараган аждодимизнинг бугунги авлоди компьютерларда мураккаб масалаларни ҳал қилмоқда. Илгари «Йўғе, наҳотки!» дея ажабланган бўлсак, эндиликда «Шундай бўлиши табиий» деган вазмин муносабат билдирилмоқда. Лекин онанинг алласи, жигаргўшасига эмизган сути-ю, меҳри ўша-ўшалигича. Эҳтимол, боланинг кўнгли далага кўчаётгандир, аввалгидек, киндик қони тўкилган гўшага боғланиб қолмагандир. Аммо ўзликни англаш, табаррук тупроққа эътиқод, Ватан туйғуси каби миллатимизга хос қадриятлар глобаллашув тўзони таъсирида асил оҳорини йўқотмаслиги зарур.

Хўш, шу мураккаб замонда эртанги кунга қандай ўй-режаларни дилимизга туйган ҳолда қарашимиз керак? Бу саволга Президентимиз лўнда қилиб шундай жавоб қилди: «Биз давлатимиз келажагини ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз».

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Интилиш

Боғот туманининг Хўжалик қишлоғида ташкил этилган «Маркс» фермер хўжалиги бугун вилоятда яхши танилган. Сабаби, кўп тармоқли бу жамоа йил мобайнида маҳсулот етиштириш билан шуғулланади. Айтайлик, қиш ва баҳор фаслларида улар иссиқхонада помидор ва бодринг етиштириб, бозорга чиқаришади.

Хазина калити — инсон қўлида

Гап шундаки, дала шийпони ёнида ҳар бири 100 квадрат метр майдонни эгаллаган учта иссиқхона қурилган.

— Излансанг, имконият қидирсанг: меҳнат қилсанг, кичик майдондан ҳам хазина яратиш мумкин экан, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Фарҳод Жумабоев. — Мана, озгина маблағ ҳисобига қурилган иссиқхоналаримиздан катта даромад олаяпмиз. Муҳими, эрта баҳорданоқ эл дастурхонини тўкин қилишга эришаётганимиз барчага маъқул бўлмоқда.

Фермернинг ёрдамчи хўжалигида, шунингдек, чорвачилик ва паррандачилик ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, ҳозирги кунда бу ерда минг бош жўжа боқилмоқда. Эрта-индин парҳез гўшт ва тухум ҳам истеъмолчиларга тақдим этилади.

Фермер хўжалигида парваришланаётган қорамоллар эса 150 бошдан зиёд бўлса, қўй-қўзилар 100 тага етай деб қолди.

— Бу йил яна бир хайрли ишга қўл урдик, — дейди фермер. — «Ялтироққўл»да қазиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириб, балиқларни кўпайтираяпмиз. Кузга бориб, Худо хоҳласа, элимизга мўл-кўл «лукмаи ҳалол» етказиб берамиз.

Хўжалик асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Бу тармоқлардан ҳам йилига мўл ҳосил етиштирилиб, шартнома режалари ошириб бажарилмоқда. Фермернинг айтишича, бунда техника воситалари йил сайин янгиланиб бораётгани муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, бу йил 2 та «ТТЗ» трактори ва «Енисей» комбайни харид қилинди. Улар ғаллани ўриб-янчиш ва ғўзани парваришлашда фермернинг қанотига айланмоқда.

Оллаберган РАЖАБОВ, журналист.

ТОКИОДА ОРОЛ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Япония сув форуми эксперти Кунио Кавамотонинг таъкидлашича, Орол ҳавзасидаги экологик фалокат узоқ давр мобайнида фақатгина минтақанинг муаммоси сифатида нотўғри талқин қилиб келинган.

Осиё қитъаси миқёсида Марказий Осиё мамлакатларининг сувэнергетика ҳамкорлиги ҳамда Орол денгизини қайта тиклаш масалалари илк бора ўтган йили Японияда бўлиб ўтган «Биринчи Осиё-Тинч океани минтақаси саммити» доирасида муҳокама қилинган эди.

— Ўйлашимча, ушбу муаммо сайёрамизнинг жадал тараққий этиб бораётган Осиё-Тинч океани минтақаси миқёсида муҳокама қилиниши эколик фалокатнинг оқибатларини енгиб ўтиш ишига қўшимча маблағ ва имкониятларни жалб этишга хизмат қилади, — дейди К. Кавамото. — Шу ўринда Япония сув форуми «Амударёнинг Қорақалпоғистондаги қуйи оқимида тўқай ўрмонларини асраш ва муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизимларини мустаҳкамлаш» халқаро лойиҳасида иштирок этишга тайёрлигини таъкидлашни истардим.

Киото университети профессори Юкихиро Моримотонинг фикрича, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда Оролнинг экотизими яхлитлигини сақлаб қолиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

«Орол денгизининг қуриши туфайли Турон йўлбарси, сақоқуш, бақрабалиқ, скафириндус каби ҳайвонот дунёсининг нодир намуналари бутунлай йўқолиб кетди ёки йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди», — деди олим.

Шу ўринда Ю. Моримото Ўзбекистон ҳукуматининг Оролбўйидаги нодир ҳайвонот дунёсини асраш, минтақа экотизимининг барқарор ривожланишини таъминлашга имкон берадиган Орол денгизи ҳавзасини комплекс қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Тадбир доирасида Оролбўйи минтақасидаги бугунги экологик вазиятни яққол намойиш этиб берувчи фотокўргазма ташкил этилди.

Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ, «Жаҳон» АА мухбири.
Токио.

КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ

Навоий шаҳридаги "Тинчлик" локомотив депосида 800 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ярмидан кўпроғини ёшлар ташкил этади. Қувончлиси, бу ерда темирйўлчиларнинг унумли ишлашлари ва кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

СУРАТДА: жамоанинг илғор аъзолари Нилуфар Алматова, Дилафрўз Рафиева, Дилфуза Норбўтаева ҳамда Барно Кувватова.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

«ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИНЧ ВА ФАРОВОН ҲАЁТГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

ёшлари истиқлол берган юксак имкониятлардан самарали фойдаланиб, барча соҳаларда ўз иқтидори ва қобилиятини намоён этаётганидан хабардорман. Бу мамлакатингизнинг истиқболи янада порлоқ эканидан далолат беради.

Катарзина КОНАРСКА (Польша):

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Юртингиз тарихи ва маданиятига оид кўплаб китоблар ўқиган, мамлакатингиз ҳақида анчагина маълумотларга эга эдим. Аммо юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши, деганларидек, тасаввурим билан ҳақиқий Тошкент орасида улкан фарқ бор экан. Пойтахтингиз жуда гўзал. Шундай гўзал, тинч ва обод диёрда яшаётган халқингизга чин дилдан ҳавасим келди.

Одамларнинг меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, бағрикенг ва меҳр-оқибатлилиги мени ҳайратга солди. Меҳнатсевар ўзбек халқи яратувчанлиги ва бунёдкорлиги билан кўпчиликни лол қолдириб келаётир. Мамлакатингиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишига қатъий ишонаман. Юртингиз тинч, осмонингиз доимо мусаффо бўлишини тилайман.

Ражив КХАННА (Ҳиндистон):

— Тақдир тақозоси билан менинг болалигим ва ўсмирлигим Тошкентда ўтган. Орадан йигирма йил ўтиб, Ўзбекистонга сайёҳ сифатида яна келдим. Мен учун қадрдон ва ардоқли бўлган ушбу муаззам шаҳарни ниҳоятда соғинган эдим. Она юртимдек азиз бўлган озод Ўзбекистоннинг иссиқ тафти кўп йиллик хотираларимни ёдга солди. Мамлакатингизнинг истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани — чиройига чирой қўшилиб, мафтункор бир диёрга айланганини кўриб, кўзларим қувончдан ёшланди. Бу гўзал заминда амалга оширилган мислсиз бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг улкан натижалари ҳар қандай сайёҳни мафтун этади. Айниқса, Мустақиллик майдонидаги бетимсол ўзгаришлар – рангбаранг гулзорлар ва сержило фавваларни ҳайрат билан кўздан кечирар эканман, Ўзбекистоннинг тубдан ўзгарганидан астойдил қувондим.

Ростини айтсам, Тошкент нонини жуда соғинган эдим. Тошкентни «Нон шаҳри» деб аташлари бежиз эмас.

Азим Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига катта тараддуд кўрилаётганининг гувоҳи бўлдим. Иқтисодиёти йил сайин тараққий этиб, халқининг фаровонлиги муттасил ошиб бораётган мамлакатингизнинг истиқболи янада порлоқ бўлсин, халқингизнинг ҳар куни тўйу байрамга айлансин.

Танер ГУВЕН (Туркия):

— Тошкентга биринчи келишим. Дунё илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган, «Шарқ дарвозаси» деб донг таратган Тошкент тасаввуримдагидан анча зиёда, гўзал экан. Бу ердаги диққатга сазовор жойлар, айниқса, тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб, баҳри-дилим очилди. Айниқса, Ҳазрати Имом мажмуида кўрганларим бир умр ёдимда қолади.

Ўзбекларга хос гўзал фазилатлар — меҳнаткашлик, аҳиллик, меҳр-оқибатлилик ҳамда ажойиб урф-одатлар, миллий анъаналардан дунё аҳли ўрнак олса арзийди. Ушбу муқаддас заминдаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётга чин дилдан ҳавасим келди.

ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

Парижда «Эдуниверсал» халқаро консалтинг ташкилоти томонидан минтақа таълим тизимидаги муассасаларнинг нуфузи ва уларнинг таъсир даражасини аниқлаш бўйича рейтинг натижалари эълон қилинди. Рейтинг натижаларига кўра, Тошкент молия институти 2-даражали «Пальмали япроқ» дипломи билан тақдирланди. Аниқроғи, у жаҳондаги мингта энг яхши бизнес мактаблари рўйхатига киритилди.



«ПАЛЬМАЛИ ЯПРОҚ» — ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИГА

Хўш, "Eduniversal" қандай ташкилот ва унинг асл мақсади нима?

«Эдуниверсал» лойиҳалари БМТнинг Академик Кенгаш тизими томонидан фаол қўллаб-қувватлаб келинмоқда. У дунё аҳолисининг 97 фоизи яшайдиган 153 мамлакатни қамраб олган. Ташкилот, шунингдек, ишга ёлланувчи мутахассисларни қидириш ва танлаш ҳамда илмий маълумотлар билан алмашиниш бўйича турли компанияларга хизматлар кўрсатади. «Эдуниверсал»ни ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатлар, ҳудудлар, қитъалар ва дунёдаги зарур олий ўқув юртларини танлаш самарадорлигини оширишга мўлжалланган умумжаҳон маълумотлар базасини яратишдан, шунингдек, компаниялар ходимлари ва академик доиралар вакилларига тегишли ёрдам кўрсатишдан иборат.

Биз ва жаҳон

— Тошкент молия институти ғолиб деб эътироф этилган халқаро ҳужжат оддий рўйхатгина эмас, — дейди институт халқаро бўлимининг бошлиғи Ўткирбек Сотиналиев. — Бу машҳур 9 та географик ҳудуддан қатнашувчи экспертлар ҳамда БМТ Академик Кенгаш тизимининг илмий-текшириш ишлари натижасида олиб борилган халқаро танлов хулосасидир.

Дарҳақиқат, «Эдуниверсал»нинг рейтинг натижалари Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотларни, шунингдек, олий иқтисодий ва бизнес таълими соҳасида малакали кадрларни тайёрлашда республика олий таълим муассасаларининг муваффақиятларини халқаро экспертлар тан олаётганлигининг ёрқин далили ҳамдир.

Э. БОЛИЕВ.

Самарқанд томонларда

Самарқанд шаҳрида макарон маҳсулотлари тайёрланадиган "Қуйи Ситора" Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонаси иш бошлади.

«Қуйи Ситора» макаронлари

Қўшма корхонанинг умумий лойиҳа қиймати 160 минг АҚШ долларини ташкил этади. Унинг тенг ярми хориж сармоядорлари томонидан киритилди.

Янги корхона йилига 2,5 минг тонна сифатли макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Муҳими, корхонанинг ишга туширилиши муносабати билан 16 нафар киши доимий иш жойига эга бўлди.

Парҳез маҳсулотлари — эл дастурхонига

Самарқандлик Беҳрўз Салоҳиддинов бундан тўрт йил аввал қаровсиз қолган бинони сотиб олиб, товуқхона ташкил этган эди. Ўтган давр ичида тадбиркор унинг ёнида қўшимча бинолар барпо этиб, парранда парвариши учун ҳамма шароитларни яратди.

Айни пайтда мазкур «Оригинал Макс люкс» фермер хўжалигида 40 минг бош парранда парваришланиб, ички бозорга кунига 30 минг дона тухум чиқарилмоқда.

— Яқинда яна 50 мингта жўжа олдик, — дейди фермер. — Улар ҳам 2-3 ой ичида тухум бера бошлайди.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Тошкент вилояти Пскент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2008 йил 25 январдаги 11-0722/10532-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пскент тумани, «Ўзбекистон» ФХУда жойлашган, «Selhoz-Bio-Tomat» агросаноат фирмасига тегишли, фойдаланиш майдони 634 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи биноси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2008 йил 22 июль куни соат 11.00 да РКМБда бўлиб ўтади.
2. Шунингдек, 2008 йил 8 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2008 йил 7 январдаги 11-0716/10924-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгийўл тумани, «Эски қовунчи» ҚФЙда жойлашган, ер майдони 1200 кв.м. бўлган, «Янгийўл шароб савдо» улгуржи савдо базасининг бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 69 102 000 сўм.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотека» банки Собир Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz

ООО «Росагропромснаб» предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»

СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ.М

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на поставляемую продукцию – 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л 6, д. 2 (Ор-р – метро «М. Улугбек»)
Товар сертифицирован. Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

Қалбакилаштирилган дори воситаларидан эҳтиёт бўлинг!

Қалбакилаштирилган дори воситалари истеъмолчи саломатлиги учун ўта хавфлидир. Уларда таъсир этувчи моддалар умуман бўлмаслиги ёки аксинча, таркибида зарарли, заҳарланиш ва бошқа салбий оқибатларга олиб келадиган моддалар бўлиши мумкин. Қалбакилаштирилган дори воситаларини истеъмол қилиш натижасида беморнинг соғлиғи оғирлашса ёки ўлимга олиб келса, у ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, жавобгарлик ушбу дори воситасини сотган дорихона муассасаси раҳбари зиммасига тушади.

Сўнгги йилларда қалбакилаштирилган дори воситалари сони кўпайиб бормоқда. Хусусан, «Ринза» савдо белгиси остидаги қалбаки дорилар фикримизга ёрқин далилдир.

2006 йилда «Ринза таблеткалари № 10» дори воситасининг 3 та қалбакилаштирилган нусхаси аниқланган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 8 тага етди. 2008 йилнинг февраль ойида эса қалбакилаштирилган «Ринза» таблеткаларининг умумий сони 9 тани ташкил этди. Шунингдек, 5 граммли пакетчалардаги «Ринза СИП» эритилувчи кукун дори воситасининг қалбакилаштирилган 2 та серияси фош этилди.

Қуйида қалбакилаштирилган дори воситаларининг сериялари келтирилмоқда:

«Ринза» таблеткаси №10», серияси U6198, BT-172, BT-173, 140106, 011205, 01402, R013.

«Ринза» таблеткаси №4», серияси 010807

«Ринза СИП» эритилувчи кукуни 5 граммли пакетчаларда, №5 серияда - L6137, B-6130.

Эсингизда тутинг!

Қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситалари кутилган самарани бермайди ва у соғлиқ учун ўта хавфли. Қалбаки дори воситасининг сотилиши натижасида юзага келган барча нохушликлар учун дорихона муассасаси раҳбари жавобгардир.

Дорихоналарда «Ринза» дори воситаларини сотиб олишда мувофиқлик сертификати ёки ҳисоб-фактурада кўрсатилган сертификация тўғрисидаги маълумот, шунингдек, касса аппарати чекини талаб қилинг. Дори воситаси қутисида кўрсатилган препарат серияси мувофиқлик сертификатида кўрсатилган серияга мослигини текшириб кўринг.

Агарда «Ринза» препарати ёрдам бермаса ёки унга нисбатан сизда шубҳа пайдо бўлса, сиз препаратни сотиб олган дорихона муассасаси раҳбарига мурожаат қилинг ёки «Ринза» қутисини, касса аппарати чекини «Фармед» ХФга олиб келинг. Биз қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситасини грипп ҳамда шамоллашда самарали ёрдам берувчи оригинал «Ринза» препаратига бепул алмаштириб берамиз. Биз сизнинг саломатлигингизни қадрлаймиз.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Мурожаат учун «Фармед» хусусий фирмасининг телефонлари: 228-55-00, 228-55-66

Эҳтиёт бўлинг: қалбаки дори воситалари!

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ "КЧМ",
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

Преимущества чугунных котлов:
- наибольший срок службы среди других типов котлов
- конструкция, проверенная годами
- проработанная производственная технология
- несложное обслуживание и уход
- низкие требования к дымовой тяге
- широкий мощностной ряд
- универсальность (возможность работы на разных видах топлива)
- более высокое рабочее давление
- высокий КПД, недостижимый для других котлов

КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
товар сертифицирован форма оплаты — любая
Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04
Торговый магазин, ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127

АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА !

Алоқа соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ва почта алоқаси корхоналари томонидан турли тўловларни амалга оширишда ўрнатилган тартибнинг бузилишига ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилинишига йўл қўйилганда, шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача (тушлик 13.00 дан 14.00 гача) Давлат алоқа инспекциясининг

237-01-11 рақамли «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» хизматига қўнғироқ қилинг.

Манзилимиз: Тошкент ш., В. Малясов к., 3-уй.
E-mail: sanktsiya@gis.uz

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Давлат алоқа инспекцияларида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 16.00 гача (тушлик 13.00 дан 14.00 гача) қуйидаги «Ишонч телефони» хизматларига мурожаат қилишингиз мумкин:

1.	Қорақалпоғистон Республикаси	224-01-11
2.	Андижон вилояти	224-01-11
3.	Бухоро вилояти	223-01-11
4.	Жиззах вилояти	226-01-11
5.	Қашқадарё вилояти	221-01-11
6.	Навоий вилояти	224-01-11
7.	Наманган вилояти	226-01-11
8.	Самарқанд вилояти	222-01-11
9.	Сирдарё вилояти	40-01-11
10.	Сурхондарё вилояти	227-01-11
11.	Хоразм вилояти	226-01-11
12.	Фарғона вилояти	223-01-11
13.	Тошкент вилояти	235-01-11
14.	Тошкент шаҳри	236-01-11

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- хўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда кўриб чиқилиши);
- муҳокаманинг камчиқимлилиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг кам чиқимлари);
- судьяларнинг касб маҳорати (энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан судьяни сайлаш тарафлар томонидан амалга оширилади);
- мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўриб чиқиш имконияти);
- Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);
- Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан кафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 6-уй.
Телефон: (+998-71) 239-43-29. Факс: (+998-71) 232-09-03.
web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА СТАТИСТИКА ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:

«Макроиқтисодий статистика ва миллий ҳисоблар» кафедраси:
1. Доцент — 1 ўрин
2. Катта ўқитувчи — 2 ўрин

«Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлил» кафедраси:
1. Мудир — 1 ўрин
2. Доцент — 1 ўрин
3. Катта ўқитувчи — 2 ўрин

«Ахборот-коммуникацион технологиялари» кафедраси:
1. Доцент — 2 ўрин
2. Катта ўқитувчи — 1 ўрин

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

Тел.: 150-52-02, 150-52-04.
Манзил: «Буюк Ипак йўли» кўчаси, 42-«Б» уй.
Авт. 17, 24, тролл. 17, 18, «Статуправление» бекати. Метронинг «Пушкин» бекати.

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР
ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР

Фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Шунингдек, кафолатли техник хизматлар кўрсатилади!

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

UAZ Hunter
UAZ Patriot Limited
Юк ташувчи УАЗ-3303.
Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625.
Қўшимча кабинали УАЗ-39094.

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., «Халқлар дўстлиги» шк., 27-уй.

SONATA Ўз йўлингни танла!

Drive your way

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

EURO2008 HYUNDAI Official Partner Tel. 250-11-11

Завод TTEMZ изготавливает и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъёмность 8т
- максимальная длина стрелы – 30м (с кареткой)
- максимальная высота подъёма гор. – 41,5м, наклонно – 57,5м

Теперь и в ЛИЗИНГ

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

Гарантийный срок 1 год. Под заказ

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
- максимальная грузоподъёмность – 14 т
- максимальная высота подъёма – 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъёмность – 16 т
- максимальная высота подъёма – 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъёмность – 25 т
- максимальная высота подъёма – 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси доценти Ислом Арслоновга падари бузруквори

КИМСАНБОЙ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Ўзқурилишматериалсавдо» масъулияти чекланган жамияти жамоаси «Қўқонқурилишматериалсавдо» шўъба корхонаси директори Абдумуталиб Каримовга отаси

Раҳимжон КАРИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газета ва газетхон: ЮЗМА-ЮЗ

— Одатда, дори-дармон воситаларини дорихоналардан харид қиламиз. Лекин баъзан ҳатто уйларимизгача қандайдир фирмалар номидан вакил бўлиб дори сотувчилар келишади. Улар таклиф этаётган дори-дармонлар асосан хорижда ишлаб чиқарилган бўлиб, нархи анча қиммат. Бироқ, таърифланишича, бу дорилар касалликнинг олдини олишда самарали ва ишончли эмиш. Шундай бўлса-да, бу масалада эҳтиёткор бўлиш талаб этилади. Айтинг-чи, ана шу дори воситалари чиндан ҳам ишончли ёки ишончли эмаслигини аниқлаш учун нималарга эътибор беришимиз керак? Умуман, уларни харид қилиш мумкинми?

Мурод ҲАЙДАРОВ.
Гулистон шаҳри.

Дорини фақат дорихоналардан олинг

— Давлатимиз раҳбарияти аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлашга доимо эътибор бериб келган ва бу Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа ҳужжатларда ўз аксини топган. Хусусан, юқоридаги Қонунга асосан, дори воситалари аҳолига қатъиян дорихоналар орқали махсус мутахассисликка эга бўлган ходимлар томонидан сотилиши кўзда тутилган. Бунда дори воситаларининг сифати, самарадорлиги ва безарарлиги кафолатланади.

Агар сотиб олувчида дори воситасининг сифатига шубҳа уйғонса, у сифат сертификатини талаб қилиши, дори воситаси нархи тўғри шакилланганлигини текшириши ва бошқа йўллар билан ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиши мумкин. Аксинча, кўча-кўйда, бозорларда ва рухсат этилмаган бошқа жойларда дори воситасини сотиш қонунга зид бўлиб, бунда дори воситаси сифати, тайёрланиши, тўғри сақланиши ва унга белгиланган нархларнинг тўғрилиги ҳақида ҳеч қандай кафолат бўлмайди.

Ўз соғлиғини қадрлаган одам дори воситасини фақат дорихонадан сотиб олади. Дори воситаси муомаласи билан ноқонуний шуғулланадиган шахслар жиноий жавобгарликка тортилади.

Ҳабибулла ЖАЛИЛОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси бошлиғи

Регистон — эл тўпланадиган майдон

— Самарқанднинг бош майдони — «Регистон» номи қадимда шу ердан оқиб ўтган каналлар орқали келган қумлар билан боғлиқ деб эшитганман. Шу ростми?

Соат БЕРДИЕВ.
Нуробод тумани.

— Аслида «рег» сўзи форсчада қум маъносини англатади. Аммо «Регистон» атамасини канал ва қумлар билан боғлаш ноўрин. Негаки, Бухорода X асрдаёқ «Регистон» майдони мавжуд эди. Ўрта асрларда эса Тошкентнинг Эски Жўвасида, Шаҳрисабзнинг Оқсарой майдони атрофида, Қарши, Андижон, Ҳирот ва Шарқнинг яна бир неча шаҳарларида ҳам, «Регистон» майдонлари бўлиб, улар раста, чорсу, даҳа, гузар, чақар сингари шаҳар элементлари ҳисобланган. Грециядаги Агара, Рим империясидаги Форум ҳам, «Регистон» каби маъно-нони бериб, улар эл тўпланадиган бош майдон сифатида эътироф этилган.

Темур ШИРИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

«UZBEKISTAN» канали қайси тўлқинда?

— "Ўзбекистон" телеканалининг матбуотда эълон қилинаётган дастурида кўрсатувлар 24 соат давом этади, дейилади. Аслида эса кечки дастурлар тугаши билан тўлқинни тарқатиш тўхтатилади. Мазкур телеканал кўрсатувлари сунъий йўлдош орқали ҳам тарқатилади, деб эшитгандик. Лекин ҳамма каналларни кўриб чиқдик, тепа олмаяпмиз. Нега?

Аҳмад АЛИЕВ.
Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри.

— Аввламбор, муаллиф томонидан савол аниқ қўйилмаганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Сабаби, 2006 йилнинг декабрь ойидан бошлаб "O'ZBEKISTON" телеканалининг 18 соатлик кўрсатувлари бир вақтда, параллел равишда "Экспресс" AM1-40 градус, 11096 мГц частота, тезлиги 4800 кБ/с, тўлқин кутбланиши горизонтал бўлган сунъий йўлдош орқали "UZBEKISTAN" белгиси (лабел) билан дунёнинг тўқсондан ортиқ мамлакатига тарқатила бошланган. Ҳозирги кунда "O'ZBEKISTON" телеканалининг кечки дастурлари ниҳоясига етганидан сўнг "O'ZBEKISTON" телерадиоканали давлат унитар корхонаси томонидан алоҳида тайёрланган олти соатлик кўрсатувлар юқорида кўрсатилган сунъий йўлдош орқали тарқатилади.

Савол муаллифига айтмоқчимизки, Қарши шаҳрида "UZBEKISTAN" телеканалини оддий маиший телевизорда кўриш имконияти йўқ. Ушбу дастурни кунига 24 соат кўриш истаги бўлса, у ҳолда коинотдан қабул қилувчи махсус параболик антенна харид қилиб, юқорида кўрсатилган 40 градусга созлашингиз керак бўлади.

Маъруф МУРАТОВ,
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси техника-технологиялардан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш бўлими бош мутахассиси.

— Ёшим 55 да. Ўттиз етти йилдан ошиқроқ меҳнат стажига эгаман. Шунинг 10 йилу 1 ойида пайвандчи бўлиб ишлаганман. Мен ишлаган корхонадаги ходимлар бўлими бошлиғининг тушунтиришича, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш учун бу тоифадаги касбларда камида 12 йилу 6 ой ишлаш талаб қилинаркан. Ушбу ҳолатда мен имтиёзли шартларда пенсияга чиқа оламанми?

Бобожон РЎЗМЕТОВ.
Хива шаҳри.

Пенсияга имтиёзли шартлар асосида

— Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни 12-моддасининг "а" бандида "Меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда — эркаклар камида 6 йилу 3 ой, аёллар камида 5 йил ишлаган ходимларга пенсия ёши эркакларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йилу 6 ойи учун ва аёлларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йили учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади" деб қайд қилинган. Демак, Сиз Қонуннинг шу бандига асосан, 56 ёшингизда имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгасиз.

Шарифбой МАТЮСУПОВ,
Хоразм вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг меҳнат шароитлари давлат эксперти.

— 19 ёшли ўғлим биз билан яшайди. Уйланмаган, ҳозирча ҳеч қаерда ишламайди. У ўртоқларининг туғилган кунига совға олиш учун маҳалламиздаги тижорат дўкони эгасидан қарз сўрабди. Ўғлимнинг вазиятини била туриб, маҳалладошимиз биз билан маслаҳатлашмай унга бинойидек фоиз эвазига қарз берибди. Табиийки, ўғлим фоизи у ёқда турсин, қарзни ҳам беролмагач, у пулини биздан сўраб келди. Қарз беришдан олдин бизни хабардор қилганида, балки аҳвол бундай бўлмасмиди? Айтинг-чи, маҳалладошимиз тутган йўл тўғрими?

З.КОРАХОНОВ.
Жиззах шаҳри.

Икки саволга бир жавоб

— Қизим айни пайтда Боткент давлат университетининг кундузги бўлими 3-босқичида таҳсил олмоқда. Мазкур таълим муассасаси беш йиллик бўлиб, ўқишни тамомлагандан сўнг диплом берилади. Айтинг-чи, фарзандим дипломини олса, унинг ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Давлат тест марказида нострификация қилинадими?

Мансуржон АКБАРОВ.
Риштон тумани, Қайрағоч қишлоғи.

— Ўғлим Россия Федерациясининг Саратов шаҳрида жойлашган Саратов Давлат ҳуқуқ академиясининг (собиқ Саратов Давлат юридик институти) "Ҳуқуқшунос" мутахассислиги бўйича биринчи босқичида таҳсил олмоқда. Ўқиш муддати беш йил бўлиб, олий таълим олганлик тўғрисида ҳужжат берилади. Айтинг-чи, фарзандим ана шу академияни тамомлагандан сўнг Ўзбекистондаги суд ва прокуратура органларида ишлаши мумкинми?

Малоҳат РАЖАБОВА.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани.

— Хорижий таълим муассасаси томонидан берилган таълим олганлик ҳақидаги ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган "Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги Низом"га асосан, нострификациядан ўтказилади. Сизнинг ўғлингиз таҳсил олаётган Саратов давлат ҳуқуқ академияси таълим муассасаси ҳисобланади. Яъни, ўқишни тамомлагандан сўнг белгиланган тартибда нострификациядан ўтказилади.

Шунингдек, диплом фақат эквивалентлигини қайд этиш тўғрисидаги гувоҳнома билан унинг эгасига Ўзбекистон Республикасидаги таълим муассасасида навбатдаги босқичда ўқишни давом эттириш ёки касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Боткент давлат университети томонидан берилган ҳужжатлар ҳам белгиланган тартибда нострификациядан ўтказилади.

Баҳром ИСМОИЛОВ,
Давлат тест маркази директори.

Қарзни ким қайтаради?

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-моддасида фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш у вояга етгач, яъни 18 ёшга тўлганда тўла ҳажмда вужудга келиши айтилган. Ушбу кодекснинг 733-моддасида эса қарз шартномаларининг шакли кўрсатилган. Яъни, қарз суммаси энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт, дейилган. Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномасида белгиланган бўлмаса, асосий қарзни қайтариш учун шартномада назарда тутилган тартиб ва муддат амал қилади.

Демак, масаланинг ечими қарз берувчи ва олувчи, аниқроғи, ўғлингиз ва маҳалладошингизнинг шартномаси қандай бўлганига боғлиқ. Аслида қарз берувчи ўз маблағидан келадиган фойданигина ўйламасдан уни кимга бераяпти, қачон қайтаради, қайтара оладими, деган мулоҳазаларга бориши керак эди. Маҳалладошингизнинг қарзни сизлардан талаб қилиши эса асоссиз.

Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.

Фарзанд тарбияси — доимий эътиборда

— Турмуш ўртоғим икки ёшгача бўлган болалар учун бериладиган нафақани иш жойи — мактабдан олар эди. Жорий йил бошидан бошлаб эса бу тартиб ўзгариб, энди нафақа маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилиши белгилаб қўйилибди. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Р.МЕНГИРОВ.
Қамаши тумани.

— Дарҳақиқат, "Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом"га ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, бюджет ташкилотларида ишлаётган оналарга болани парваришлаш учун ажратиладиган нафақа маҳалла фуқаролар йиғинининг махсус ваколатли комиссияси томонидан республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бошқа мулкчилик турларидаги корхоналарда ишлаётган оналарга болани икки ёшгача парваришлаш нафақаси корхона ҳисобидан тўланади.

Мўътабар СОДИҚОВА,
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари мониторинги ва таҳлил бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Тақвимга кўра, ҳижрий, қамарий, милодий ва шамсий йил ойлари дейилади. Бундай номланишлар қандай пайдо бўлган? Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Фарҳод ХЎЖАЕВ.
Вобкент тумани.

Йил номлари қандай пайдо бўлган?

— Тақвимларда ишлатиладиган "ҳижрий сана" Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг Макка шаҳридан Мадинага ҳижрат қилиб кўчган сана, яъни 622 милодий йилдан бошлаб мусулмонлар дунёсида жорий этилган йил ҳисобидир. Унга кўра, бу йил 1428 ҳижрий санадир. "Қамарий" ойнинг чиқиб-ботиши билан ҳисобланадиган йил ҳисобига айтилади. Жумладан, ҳижрий сана айнан ой ҳисоби билан юритилади ва у 354 кундан иборат.

"Милодий сана" эса Исо (а.с)нинг туғилган кунларидан бошланган йил ҳисобидир. Уни Григорян ёки христиан эраси, янги эра каби номлар билан ҳам аташади. "Шамсий" деганда йилнинг ҳисоби қуёшнинг чиқиб ботиши билан ҳисобланадиган йил тушунилади. Хусусан, милодий сана қуёш ҳисоби билан юритилади. Унга кўра, бир йил 365 кун деб белгиланган. Ҳозир милодий 2008 йилда турибмиз.

Дунёнинг деярли барча мамлакатларида милодий сана кенг истеъмолда бўлиб келмоқда. Араб ва мусулмонлар яшайдиган диёрларда эса, милодий сана билан бир вақтда ҳижрий санадан ҳам фойдаланиб келинади.

Шайх Абдулазиз МАНСУР,
Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.



Офтоб уришидан сақланинг

— Қуёшнинг ёз фаслидаги кучли нурлари баъзан инсон вужудига зарарли таъсир кўрсатади. Буни халқ орасида "офтоб урди", дейишади. Айтинг-чи, бунинг саломатлик учун таъсири жиддийми? Агар шундай ҳолат юз берадиган бўлса, нима қилиш керак?

Моҳира ТОШПЎЛАТОВА.
Тўрақўрғон тумани.

— Офтоб уриши ўткир оғриқли ҳолат бўлиб, бошнинг қуёш нурлари таъсирида жадал нурланишидан келиб чиқади. Айрим ҳолатларда тананинг ўта қизиши ҳамда терининг офтоб нурларидан турли даражада қуйиши кузатилади. Клиник кўринишлари шундан иборатки, дастлаб мияга қон қуйилгандек бўлади, йирик қон томирлари пульсацияси кузатилиб, бош оғриғи ва айланиши, кўнгил айниш, тана ҳароратининг кўтарилиши, қулоқларда шовқин эшитилиш ҳолатлари рўй беради. Атрофда кўзга ташланган нарсалар зангори ва қизил рангларда намоён бўлади. Қўл ва оёқлар титраб, юришга мажолсизлик, сўлак оқиши, бурундан қон келиши мумкин. Баъзи ҳолларда хушдан кетиш, артериал босим тушиб, юрак уриши тезлашиши, ҳансираш кўринишлари юзага келади.

Офтоб урган кишини дарров салқин жойга ёки совуқроқ хонага олиб кириб, бошидан совуқ сув қуйиш, ёқа ва белбоғларини тезлик билан бўшатиш лозим. Оғир ҳолатларда, яъни, сув — электролитлар мувозанати бузилганда шифокорни чақириб, изотоник эритмалар билан инфузион терапия қилиш, гемодинамик нейровегетатив бузилишларни тўғрилаш лозим.

Раҳматилла МУҲИДДИНОВ,
Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош терапевти.

Сув қувури янгиланди

Таҳририятга келган шикоят хатидан:

"Биз, Миробод тумани, "Баҳор" маҳалласи, «Иноқобод» кўчаси аҳли бир неча йилдан бери сув ва канализация қувурларининг носозлиги туфайли уларни янгилашда кўмаклашишларини сўраб, мутасадди идораларга мурожаат қилиб келамиз, лекин ҳеч қандай натижа бўлмаяпти...

Э.ТУРДИЕВ ва бошқалар.
Тошкент шаҳри".

Таҳририятга келган расмий жавобдан:

"Миробод тумани ҳокимияти мазкур шикоят хатини кўриб чиқиб, «Иноқобод» кўчаси бўйича текширув ўтказди. Ҳақиқатан ҳам, мазкур кўчада сув қувурларининг эскирганлиги ва чириганлиги натижасида бу ерда тез-тез авария ҳолатлари кузатилган. Туман авария хизмати томонидан «Иноқобод» кўчасидаги сув қувури янгиланди.

Миробод тумани ҳокимининг ўринбосари А.АБДУРАҲМОНОВ".

Сўнгги сўз:

"Муаммоларимиз ижобий ҳал этилганидан, кўчамиздаги сув ва канализация қувурлари янгиланганидан миннатдормиз. "Ҳечдан кўра кеч" деганларидек, мутасадди ташкилотлар ишни пухта қилишганидан кўнглимиз кўтарилди.

Э.ТУРДИЕВ ва бошқалар".



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6 8